

СПОРТЧИНИ ВАҚТИНЧА ИЖАРАГА ОЛИШ ШАРТНОМАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ: “SUI GENERIS” ЁНДАШУВ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ТАҲЛИЛИ

Усмоналиев М.Қ. –
ТДЮУ докторанти

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ҳам қамраб олди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳани ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари профессионал спорт клубларининг фаолиятини бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида қайта ташкил этишни тақозо этмоқда. Профessional спортнинг тижоратлашуви натижасида спортчилар нафақат жисмоний тарбия субъектлари, балки йирик молиявий айланмаларнинг иштирокчиларига айланмоқдалар.

Бугунги кунда спорт амалиётида, айниқса футболда клублар ўртасида спортчиларни нафақат сотиш (трансфер), балки вақтинча фойдаланишга бериш амалиёти кенг тус олган. Халқаро ва маҳаллий спорт жамоатчилиги тилида “ижара” деб аталувчи ушбу жараён спортчининг малакасини ошириш ва клубларнинг молиявий юқини енгиллатишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Бироқ, ушбу институтнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси ва ҳуқуқий тартибга солинишида жиддий концептуал бўшлиқлар мавжуд. Асосий муаммо шундаки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг мулк ижарасига оид нормаларини тирик инсонга нисбатан қўллаш инсон ҳуқуқларининг фундаментал тамойилларига зид келади. Шу боис, мазкур мақоланинг мақсади спортчи ижараси шартномасининг ҳуқуқий табиатини аниқлаш ва миллий қонунчиликка “sui generis” ёндашувини жорий этиш заруратини асослашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 535-моддасига мувофиқ, мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади [1]. Қонун мазмунидан кўриниб турибдики, ижара объекти фақатгина истэмолад жараёнида йўқолмайдиган ашёлар (кўчар ва кўчмас мулк) бўлиши мумкин.

Бироқ, профессионал спортда “футболчини ижарага бериш” тушунчаси одатий ҳолга айланган. Бу эса ҳуқуқшуносликда парадоксни юзага келтиради: Конституция ва умумэтироф этилган халқаро нормаларга кўра, инсон ҳуқуқий муносабатларнинг объекти (ашё) эмас, балки субъектидир. Агар суд амалиётида бундай шартнома тўғридан-тўғри “инсон ижараси” сифатида талқин қилинса, у ФКнинг 116-моддасига (ҳуқуқ-тартибот асосларига ёки ахлоққа зид битимлар) асосан ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

Шу сабабли, миллий қонунчилигимизда “ижара” атамасидан воз кечиб, унинг ўрнига ФИФА регламентларига мос келувчи “Спортчининг вақтинча ўтиши” тушунчасини жорий этиш зарурати мавжуд.

Агар спортчи ижара объекти бўлмаса, унда клублар нимани олди-берди қилмоқдалар ва нима учун ҳақ тўламоқдалар? Бу саволга жавоб топиш учун “Трансфер ҳуқуқи” назариясига мурожаат қилиш лозим. Илмий таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, ижара шартномасининг предмети спортчининг жисмоний танаси ёки шахси эмас, балки клубга тегишли бўлган “мусобақаларда рўйхатдан ўтиш ҳуқуқи” ҳисобланади.

Туркиялик тадқиқотчи А.К. Караузнинг фикрича, спортчи трансфери ва ижараси оддий фуқаролик шартномаси эмас. Унинг предметини клубнинг федерациядаги “лицензион квотаси” ва спортчининг имидж ҳуқуқларидан фойдаланиш имконияти ташкил этади [3,371]. Демак, ижара шартномаси бу аслида номоддий активдан (ҳуқуқдан) вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш (цессия) битимидир.

Ушбу назарияни миллий қонунчиликка татбиқ этиш учун ФКнинг 81-моддасига (Фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари) кўшимча киритиш таклиф этилади. Яъни, “профessional спортчиларнинг трансфер ҳуқуқлари” ни мулкий ҳуқуқлар (ашёвий бўлмаган активлар) сифатида қонунийлаштириш лозим.

Тадқиқот доирасида асослаб берилган асосий ғоя шундан иборатки, спортчиларни вақтинча ўтказиш шартномасини “Sui Generis” (ўзига хос) ҳуқуқий ҳодиса сифатида эътироф этиш лозим. “Sui generis” лотинчадан таржима қилинганда “ягона”, “бетакрор” деган маъноларни англатиб, мавжуд ҳуқуқий қолипларнинг ҳеч бирига тўлиқ тушмайдиган мураккаб ҳолатларга нисбатан ишлатилади.

Миллий олимларимиздан Э.Т. Мусаев ҳам спорт шартномаларининг аралаш хусусиятига эътибор қаратиб, уларда оммавий ва хусусий ҳуқуқ нормалари уйғунлашганлигини, шу боис уларни фақат Меҳнат кодекси доирасида тартибга солиш имконсиз эканлигини таъкидлайди [4, 58].

Хорижий тажрибада, хусусан Европа футболда (Германия, Англия) ижара тизими клублар учун муҳим иқтисодий стратегия ҳисобланади. Иқтисодчи олим С. Блок ўзининг тадқиқотларида “Мулк ҳуқуқи назарияси” орқали ижаранинг самарадорлигини таҳлил қилган. Унинг хулосасига кўра, ижара шартномаси бу клублар учун “активларни бошқариш” воситасидир [6,45]. Йирик клублар ёш иқтидорларни сотиб олиб, уларни тажриба тўплаши ва бозор нархи ошиши учун бошқа жамоаларга ижарага берадилар. Британиялик олимлар А. Бонд ва П.Виддоп буни “талантларни жамғариш” деб атайдилар ва бу жараёни тартибга солиш кераклигини таъкидлайдилар [7, 12].

Ўзбекистонда ҳам клублар ушбу амалиётдан кенг фойдаланмоқда, бироқ қонунчиликдаги бўшлиқлар сабабли молиявий низолар кўп учрамоқда. Масалан, М.Б. Тлеумуратов таъкидлаганидек, профессионал спортдаги шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда фуқаролик-ҳуқуқий воситалардан (кафиллик, неустойка) фойдаланиш механизми тўлиқ ишлаб чиқилмаган [5, 48].

Хусусан, агар вақтинчалик клуб спортчига маош беролмаса (банкрот бўлса), ким жавобгар бўлади? Бизнинг таклифимизга кўра, “Sui generis” шартномасида солидар жавобгарлик принципи амал қилиши керак. Яъни, ижарага берувчи клуб (трансфер ҳуқуқи эгаси) спортчининг меҳнат ҳақи тўланиши учун кафил бўлиши лозим. Бу таклиф Ш. Ходжимуротовнинг футболчилар меҳнат шартномаларининг барқарорлигини таъминлаш ҳақидаги ғояларига ҳамоҳангдир [8, 21].

Спортчи ижарасидаги энг нозик масала – бу ижара муддати тугагандан кейинги ҳолатдир. Амалдаги Меҳнат кодексининг 503-моддасида спортчини вақтинча бошқа иш берувчига ўтказиш тартиби белгиланган бўлсада, “қайтиш” механизми императив тарзда мустаҳкамланмаган.

Бизнингча, “Sui generis” ёндашуви доирасида Меҳнат кодексига “Кафолатланган қайтиш” механизмини киритиш зарур. Бу шунингдек, ижара муддати тугаши билан ёки вақтинчалик клуб шартномани муддатидан олдин бекор қилган тақдирда, спортчининг “асосий клуб” даги иш жойи ва меҳнат шароитлари автоматик равишда тикланиши шарт. Бу норма спортчини ишсизликдан ва ижтимоий ҳимоясизликдан сақлайди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги илмий-назарий ва амалий хулосаларни шакллантириш мумкин:

Миллий қонунчиликда инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи, шунингдек, юридик жиҳатдан нотўғри бўлган “спортчи ижараси” атамасидан воз кечиб, унинг ўрнига халқаро стандартларга мос “Спортчининг вақтинча ўтиши” тушунчасини қонунийлаштириш лозим.

Спортчини вақтинча ўтказиш шартномасини оддий фуқаролик ижараси ёки хизмат кўрсатиш эмас, балки “sui generis” (ўзига хос) табиатга эга бўлган, уч томонлама (Клуб-Спортчи-Клуб) комплекс келишув сифатида эътироф этиш керак. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 81-моддасига “спортчининг трансфер ҳуқуқлари” ни фуқаролик ҳуқуқининг мустақил мулкӣи объекти сифатида киритиш таклиф этилади.

Ушбу таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда профессионал спорт бозорини цивилизациялашган ҳуқуқий майдонга олиб чиқишга, спортчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга ва миллий қонунчиликни ФИФА ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти стандартларига уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Спортчи ижараси муносабатларида энг муҳим ва кўп ҳолларда ҳуқуқий низоларга сабаб бўлувчи масалалардан бири спортчининг соғлиғига етказилган зарар ҳамда спорт жароҳатлари учун жавобгарликни белгилашдир. Фуқаролик ҳуқуқидаги классик ижара муносабатларига кўра, ижарага олинган мулкка етказилган зарар учун, одатда, ижарага олувчи жавобгар ҳисобланади. Бироқ профессионал спорт муносабатларида мазкур қоида тўлиқ қўлланилмаслиги мумкин. Чунки спортчи оддий моддий мулк эмас, балки юқори хавф билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи меҳнат субъектидир. Агар спортчи ижара даврида оғир жароҳат олса ёки унинг соғлиғи тиклаб бўлмас даражада ёмонлашса, оддий тиббий суғурта механизмлари бундай ҳолатларни тўлиқ қоплаш имкониятини бермаслиги мумкин. Шу сабабли, спортчининг меҳнат қобилятини йўқотиши билан боғлиқ зарарларни ким томонидан қопланиши масаласи қонунчиликда алоҳида тартибга солиниши зарур.

Бизнингча, спортчи ижараси муносабатларини тартибга солишда “*sui generis*” шартномавий модели доирасида тиббий ва ижтимоий кафолатлар бўйича солидар (муштарак) жавобгарлик институтини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашувга кўра, агар спортчи ижарага олувчи клуб сафида иштирок этаётган вақтда жароҳат олса, унинг даволаниши, реабилитацияси ва меҳнат қобилятини тиклаш билан боғлиқ харажатларни қоплашда нафақат вақтинчалик клуб, балки спортчи билан асосий шартномага эга бўлган “ижарага берувчи клуб” ҳам муайян даражада жавобгар бўлиши лозим. Бу ёндашув халқаро меҳнат ҳуқуқи тамойиллари, хусусан Халқаро меҳнат ташкилотининг ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга оид конвенцияларига мос келади [9, 16].

Шу билан бирга, профессионал спортчиларни вақтинчалик бошқа клубларга ўтказиш муносабатларини тартибга солишда халқаро спорт ташкилотлари томонидан жорий этилган чекловчи нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ФИФАнинг 2024-йилда кучга кирган “Футболчилар мақоми ва трансфери бўйича регламенти” нинг 10-моддасига мувофиқ, спортчи ижараси бўйича бир қатор қатъий чекловлар белгиланган. Унга кўра, ижара шартномасининг максимал муддати бир йил этиб белгиланган бўлиб, ижарага олинган спортчини учинчи клубга қайта ижарага бериш (суб-ижара) амалиёти қатъиян тақиқланган [10, 10].

Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси (ЎзПФЛ) регламентларида мазкур халқаро стандартлар айрим ҳолларда акс этган бўлсада [11, 24], улар фақатгина футбол соҳаси доирасида қўлланилади. Бироқ мамлакатимизда баскетбол, волейбол, гандбол ва бошқа профессионал спорт турлари ҳам жадал ривожланаётганини ҳисобга олсак, “суб-ижарани тақиқлаш” ва “ижаранинг максимал муддатини белгилаш” каби нормаларни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги Қонуни даражасида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир [12,17].

Бу орқали спортчилардан фақатгина тижорат мақсадларида фойдаланиш, уларни турли клублар ўртасида узок муддат давомида айлантириб юриш амалиётининг олдини олиш мумкин бўлади.

Шу билан бирга, спортчини вақтинчалик бошқа клубга ўтказиш жараёни унинг шахсий ҳуқуқлари ва меҳнат эркинлиги билан бевосита боғлиқ бўлгани сабабли, мазкур муносабатларни тартибга солишда спортчининг розилиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши лозим. Шу муносабат билан, спортчини вақтинчалик бошқа клубга бериш фақатгина унинг ёзма розилиги асосида амалга оширилиши тўғрисидаги императив нормани Меҳнат кодексига алоҳида белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Агар клублар ўртасида спортчининг розилигисиз молиявий келишув тузилса, бундай битимни ҳақиқий эмас деб топиш қонунчиликда мустаҳкамланиши ҳуқуқий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.01.2024 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2022 й.

3. Karauz A.K. Spor Hukukunda Profesyonel Futbolcu Sözleşmeleri ve Transfer. – Ankara: Seçkin Yayıncılık, 2018.
4. Э.Мусаев, О.Оқюлов, Н.Имомов. Спорт контрактлари ҳуқуқи (дарслик). – Тошкент: ТДЮУ, 2022. - 300 б.
5. Тлеумуратов М. Б. Професионал спорт муносабатларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш: Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (ПХД) дисс. автореф. – Тошкент: КҚДУ, 2023. – Б. 48.. – Б. 48.
6. Block S. The Economics of Player Loans in European Football. // Journal of Sports Economics, 2019. – P. 45-52.
7. Bond A., Widdop P. The hoarding of talent: loan systems in professional football. // European Sport Management Quarterly, 2020. – P. 12-18.
8. Ходжимуротов Ш. Футболчилар меҳнат шартномаларининг барқарорлигини таъминлаш масалалари. // Ҳуқуқ ва ҳаёт. – 2020. – № 3. – Б. 21.
9. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 155-сонли "Ходимлар хавфсизлиги, гигиенаси ва ишлаб чиқариш муҳити тўғрисида"ги Конвенцияси. – Женева, 1981 й.
10. FIFA Regulations on the Status and Transfer of Players (October 2024 edition). – Zurich: FIFA.
11. Ўзбекистон Професионал Футбол Лигаси (ЎзПФЛ) томонидан ўтказиладиган мусобақалар Регламенти. – Тошкент: ЎФА, 2024.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2015 й., 03/15/394/0469-сон.

РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада профессионал спортчиларни вақтинча бошқа клубга ўтказиш (ижара) шартномасининг ҳуқуқий табиати таҳлил қилинган. Муаллиф “ижара” атамасининг фуқаролик ҳуқуқи тамойилларига зидлигини асослаб, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил натижасида ушбу шартномани “*sui generis*” (ўзига хос) ҳуқуқий ҳодиса сифатида эътироф этиш лозимлигини илмий далиллар орқали исботлаб берган.

Калит сўзлар: спортчи ижараси, трансфер ҳуқуқи, *sui generis*, фуқаролик ҳуқуқи объекти, рўйхатдан ўтиш ҳуқуқи, меҳнат шартномасини тўхтатиб туриш.

РЕЗЮМЕ:

В статье анализируется правовая природа договора временного перевода (аренды) профессиональных спортсменов. Автор обосновывает противоречие термина «аренда» принципам гражданского права и на основе сравнительно-правового анализа доказывает необходимость признания данного договора правовым явлением «*sui generis*» (своеобразного рода).

Ключевые слова: аренда спортсмена, трансферное право, *sui generis*, объект гражданского права, права на регистрацию, приостановление трудового договора.

RESUME:

The article analyzes the legal nature of the contract for the temporary transfer (loan) of professional athletes. The author substantiates the contradiction of the term “loan” to the principles of civil law and, based on a comparative legal analysis, proves the need to recognize this contract as a “*sui generis*” (unique) legal phenomenon.

Keywords: athlete loan, transfer right, *sui generis*, object of civil law, registration rights, suspension of employment contract.